




ХОРАЗМ ЗАМИНИДА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУНЁДКОРЛИК, ТАРАҚҚИЁТ ВА ЯНГИЛАНИШ РУҲИ ТОБОРА ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛМОҚДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 17 август куни ҳудудларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишиш, аҳоли вакиллари ва тадбиркорлар билан мулоқот қилиш мақсадида Хоразм вилоятига келди.



Хоразм — қадимий тамаддун бешиги! Унда азалдан илм-фан, адабиёт ва санъат ривож топган. Бу диёр одамлари бепоен кенгликлари каби сокин. Ана шу сокинлик қаърида донишмандлик, Амударёнинг қуйи оқими каби шижоат мужассам. Шу боис, Хоразмдан жаҳон аҳли ҳавас қиладиган кўплаб паҳлавонлар, илм-маърифатда етакчи алломалар етишиб чиққан.

Янги Ўзбекистондаги ислохотлар нафаси кириб келган, хоразмликлар руҳиятида ажодлардан мерос илмга ташналик, бунёдкорлик кайфияти янада кучайди. Ўтган йилларда вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти тубдан янгиланди. Янги йўллар қурилиб, кўплаб ишлаб чиқариш корхоналарига асос солинди. Умуман, барча жиҳада туб ўзгаришлар, ўсиш кузатилди.

Масалан, охириги тўққиз йилда 11 та янги туризм маскани ишга туширилган. Қолаверса, 280 та меҳмонхона ва меҳмон уйи қурилиб, меҳмонхона фонди 4 баробар ошган. Натижада сўнгги беш йилда хорижий сайёҳлар сони 10 карра кўпайган.

Жорий йилнинг ўзига эса Урганч халқаро аэропорти томонидан 126 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилган. Ушбу кўрсаткич 2025 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш 31 фоиз эканидан далолат беради. Эътиборлиси, аэропорт орқали ўнга яқин нуфузли авиакомпания томонидан мунтазам қатнов йўлга қўйилган. Янги Ўзбекистондаги ана шу янгиланишлар шиддати

сабаб Хоразм мамлакатимизнинг том маънодаги жадал ривожланаётган ҳудудларидан бирига айланди.

Бугун бу диёрда халқаро даражадаги йирик тадбирлар, Ватанимизни дунёга танитиш, шу орқали сайёҳларни жалб қилишга хизмат қилаётган фестиваллар ўтказилмоқда. Айни жиҳат вилоятнинг транспорт-логистика тизими ривожини янги босқичга олиб чиқиш вазифасини қўймоқда. Қувонарлиси, бу борадаги ишлар ҳам пухта ўйланган аниқ режа асосида босқичма-босқич бажарилмоқда.

Хусусан, Урганч халқаро аэропортида расмий делегацияларга хизмат кўрсатадиган терминал бунёд этилди. Қолаверса, янги аэродром мажмуаси реконструкциясининг биринчи босқичи жадал давом этапти.

Президентимиз Хоразм вилоятига таширини мазкур лойиҳалар билан танишишдан бошлади.

Умумий майдони 285 гектардан ортиқ бўлган Урганч халқаро аэропорти 1960 йилда ишга туширилган. Унга 1992 йили халқаро мақом берилган. Ҳозир эса ушбу аэропорт бугунги шиддатли тараққийга мос тарзда кенгайтирилиб, модернизация қилинмоқда. Бунинг учун жами 264 миллион доллар миқдорида инвестиция йўналтирилган. Давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳага Жанубий Кореянинг “Incheon International Airport Corporation” компанияси жалб этилди.

Давлатимиз раҳбари Хива ҳамда Урганч шаҳарлари йирик халқаро самитлар, олий даражадаги дипломатик учрашувлар, нуфузли иқтисодий ва маданий анжуманлар ўтказиладиган глобал майдонга айланаётганини таъкидлади. Бундай тадбирларга келаётган хорижлик делегациялар учун юқори даражадаги қулайлик ва хавфсизликни таъминлаш мамлакатнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборига бевосита хизмат қилиши қайд этилди.

Албатта, қамровнинг кенгайиши замонавий ва йирик самолётларнинг бемалол учиб-қўниши учун шароит яратиш, шунга мос тарзда хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш эҳтиёжини пайдо қилади. Шу боис, реконструкция доирасида аэропортда “Boeing 747” ва “Airbus A350” каби кенг фюзеляжли ҳаво кемаларини бемалол қабул қилиш имконияти яратилмоқда. Бу дунёнинг олис нуқталаридан тўғридан тўғри, транзитсиз Хоразмга учиб келиш имконияти демакдир.

Яна бир муҳим жиҳат. Реконструкция ишларининг биринчи босқичида 18 та ҳаво кемаси тураргоҳи ва янги бурилиш йўлагини қуриб битказилади. Бундан ташқари, аэропортда замонавий чегара назорати ва виза бўлимлари ташкил этилади. Қолаверса, шинам бизнес-зал, турил савдо ва овқатланиш шохобчалари, кечаю кундуз ишлайдиган тиббиёт пункти, дунё брендларини мужассам этган “Duty free” зонаси

ҳам барпо этилмоқда. Муҳими, лойиҳа якунлангач, йўловчиларга хизмат кўрсатиш қуввати соатига 300 дан 1300 нафаргача ортади.

Булар илм-фанга асосланган, ватанпарварлик ва элсаварлик туйғулари билан бошланган катта ислохотларнинг навбатдаги босқичи эканидан далолат. Зеро, Хоразмнинг қадим оҳанглари билан бизгача етказиб берган улуг шоир Муҳаммадризо Оғаҳий:

“Илм андоқ ганжи нофиъдур бани одамгаким,

Кимда ул бўлса, ики олам бўлур обод анго”, деб ёзган эди.

Ушбу ҳикматли сўзларнинг ҳаётини ҳақиқатини кўриб-билиб турибмиз. Мамлакатимизда барча соҳага илм билан ёндашиб, етти эмас, етмиш марта ўлчаб қарор қабул қилина бошлагач, халқимиз олами — ҳаёти обод бўла бошлади. Бунинг дастурхонларимиз тўқинлиги, ундаги ноз-неъматларнинг турфа хилигида ҳам кўриш мумкин. Урганч туманидаги “Тилло домор” корхонаси фаолияти фикримизнинг ёрқин далили.

Ташрифнинг навбатдаги манзили пишлоқ, қаймоқ, сметана, творог, қатиқ, кефир каби 70 дан ортиқ турдаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган “Тилло домор” корхонаси бўлди.

Мамлакатимиз етакчиси ушбу корхонадаги янги ишлаб чиқариш мажмуасида сутни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни билан танишди.

Хоразм нафақат илм-маърифат соҳиблари, ҳунарманд ва деҳқонлар, балки чорвадорлар юрти ҳам. Улар Амударё бўйидаги кенгликларда доим чорва боқиб, эл қорига ярагани қадим достонларда ўз аксини топган. Мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқларда қўшилган қиймат занжирини кенгайтиришга қаратилган ислохотлар мазкур соҳага ҳам янги нафас олиб кирди.

Сўнгги йилларда чорвачилик ривожланди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш даражаси сезиларли кенгайди. Натижада озиқ-овқат саноатида қўшилган қиймат занжирининг улуши ортиб бормоқда.

Эришилаётган ютуқлар ортида эса маҳаллий хомашёни қайта ишлаш ва ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича яратилган кенг имкониятлар турибди. Улардан унумли фойдаланаётган тадбиркорларимиз эса соҳага замонавий технологияларни кенг жорий этиб, халқимизга сифатли маҳсулот етказиб бермоқда.

Бу борада умумий қиймати 11 миллион долларлик “Тилло домор” корхонасининг ҳам ўз ўрни бор. Корхона йилига қарийб 100 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Бунинг учун Болгариядан замонавий технологик ускуналар олиб келинган.

Корхонада 120 та иш ўрни очилган. Аммо у орқали рўзғори бут бўлиб,

доимий даромад топаётганлар салмоғи бундан анча кўп. Чунки корхона ҳар куни 100 дан зиёд фермер хўжалиги ва аҳоли хонадонларидан хомашё сотиб олади. Бу эса хоразмлик чорвадорлар учун доимий бозор ва барқарор даромад дегани. Корхонада маҳсулот турларини кўпайтириб, яна 100 та янги иш ўрни очиб режалаштирилган.

Ишлаб чиқариш мажмуасида 100 килловат қувватга эга қуёш панеллари ўрнатилган. Шу орқали зарур энергиянинг салмоқли қисми қуёшдан олинадиган қувват эвазига қопланади. Бу ҳам мамлакат иқтисодиёти учун салмоқли кўрсаткич.

Айни пайтда вилоятда 1200 га яқин қайта ишлаш корхонаси фаолият юритмоқда.

Президентимиз маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаб, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, бундай корхоналарни хомашё билан барқарор таъминлаш, маҳсулот турлари ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш муҳимлигини таъкидлади. Мутаассадиларга бу борадаги тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Урганч шаҳридаги Хоразм илғор касбий маҳорат техникуми ҳамда унинг ҳудудида ташкил этилган Касблар шаҳарчаси фаолияти билан танишди.

Давоми 2-бетда

Мамлакат иқтисодиётининг юраги қаерда ўради деган саволга жавоб изласак, уни энг аввало тадбиркорнинг ҳар кунлик меҳнатида кўрамиз. Эрталаб корхона эшигини очган ишбилармон ичун иқтисодиёт расмий рақамлардан кўра, ишлаб турган дастгоҳ, вақтида етказилиши керак бўлган буюртма, ойлик кутаётган ишчи, қимматлаётган хомашё, кредит учун топилиши лозим бўлган маблағ ва эртанги кунга тузилган режада намоён бўлади.

Аммо бу режанинг амалга ошиши кўпинча тадбиркорнинг ғайрати ва ташаббусигагина эмас, унинг ишига қандай шароит яратилганга ҳам боғлиқ: электрдаги узилиш ишлаб чиқаришни тўхтатиши, гаров масаласидаги тўсиқ янги лойиҳани кечиктириши, ортиқча ҳужжатбозлик ёки логистикадаги муаммо эса тайёр маҳсулотнинг бозорга чиқишини қийинлаштириши мумкин.

Давоми 3-бетда

МУЛОҚОТДАН БОШЛАНГАН ИҚТИСОДИЙ ТАФАККУР ЙЎЛИ



Ислохотлар самараси



Президент Халқ қабулхонаси — шунчаки шиқоят қилинадиган даргоҳ эмас. Бу ерга одамлар ўзининг реал муаммоси билан келади ва шу муаммога ечим излайди. Мурожаатлар ҳам шунчаки қабул қилиниб, оғзаки жавоб билан чекланиб қолинмайди. Ҳар бир муаммо ўрганилади ва ечими назоратга олинади.

Тошкент вилояти Халқ қабулхонаси:

СУЎЗИЙ УНМЕЛАКМ АҲОЛИГА ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТ БЕРЯПТИ

Юртимизда илк бор Халқ қабулхоналари ташкил этилган вақтни кўпчилик яхши эслайди. Дастлабки кунларда ноқон янги тизим фуқаролар билан давлат органлари ўртасида самарали мулоқотни йўлга қўйиб, қисқа вақтда ҳудудларда аҳоли мурожаат-

ларини қабул қилиш, тез фурсатда кўриб чиқиш ҳамда муаммоларни амалий ҳал этиш бўйича самарали механизмга айланди.

Давоми 5-бетда

20 август – Тадбиркорлар куни

Бешинчи очиқ мулоқот аввалги йилларда бошланган ислохотларнинг мантиқий давоми эди. Агар дастлабки босқичларда тадбиркорларни эшитиш ва муаммоларини ҳал этиш асосий вазифа бўлган бўлса, бугунги кунда давлат ва бизнес муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Бошланиши 1-бетда

Ана шу ҳаётдаги ўзгаришларни кўриш, тадбиркорни нима ўйлантираётганини эшитиш ва унинг ишига ҳалақат бераётган тўсиқларни бартараф этиш учун очиқ мулоқот муҳим майдонга айланди. Давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқотлари йиллар давомида ишбилармон эҳтиёжидан туғилиб, унинг овозини қарорлар даражасига олиб чиқадиغان ўзига хос анъана бўлди.

Навбатдаги очиқ мулоқот олдидан ҳам ана шу овозларга қулоқ тутилиб, тадбиркорларни қийнаётган масалалар ҳаётнинг ўзига, корхона ва ишлаб чиқариш жараёнлари билан боғлиқ ҳолда ўрганилди. 6 мингта яқин мурожаат келиб тушиб, 750 дан зиёд учрашув ўтказилди, 8,8 мингдан ортиқ тадбиркор иштирок этди. 5072 нафар тадбиркор ўртасида ўтказилган сўров орқали корхоналар самарадорлиги, инвестиция ва инфратузилма, солиқ мамуручилиги, ташқи савдо ҳамда суд-ҳуқуқ соҳасидаги масалалар ўрганилди.

Ислохотларни ҳаракатлантирувчи куч

Ҳар қандай иқтисодий қарор замирида инсоннинг кундалик ҳаёти ва тадбиркорнинг амалий эҳтиёжлари туради. 2021 йилги мулоқотнинг аҳамияти ҳам давлат иқтисодиёт ҳақида тадбиркорлар билан бирга фикр юритиш йўлини танлаганида намоён бўлди. Унда солиқ ва молиявий юкни енгиллаштириш, кредит олиш имкониятларини кенгайтириш, субсидия ва молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бу ўзгаришлар тадбиркорнинг кундалик фаолиятида ҳам акс этди. Бир пайтлар янги иш бошлаган ишбилармон учун текширув, ортиқча талаб ва молиявий тўсиқлар жиддий муаммо бўлган бўлса, кейинги йилларда бизнес муҳити аста-секин енгиллашди. Тадбиркорлик фақат мавжуд фаолиятни сақлаб қолиш эмас, уни кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш ва инвестиция жалб этиш имкониятига айлана бошлади.

Энг муҳими, очиқ мулоқот тадбиркорга бўлган муносабатни ҳам ўзгартирди. Тадбиркор энди фақат солиқ тўловчи ёки ишлаб чиқарувчи эмас, мамлакат иқтисодий тараққиётининг муҳим ҳаракатлантирувчи кучи сифатида қаралмоқда. Шу тариқа 2021 йилда бошланган мулоқот давлат ва бизнес ўртасидаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқиб, тадбиркорларнинг таклиф ва муаммоларини қарорлар даражасига олиб чиқадиغان тизимга айланди.

Учрашувдан қарорга, фикрдан тизимга

2021 йилги тадбиркорлар билан очиқ мулоқот давлат ва бизнес муносабатларида янги саҳифа очган бўлса, 2022 йил 22 августда ўтказилган навбатдаги мулоқот ушбу тизимнинг амалий самарасини намоён этди. Биринчи учрашувда тадбиркорларни



Сардор ТОЛИБОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

эшитиш муҳим вазифа бўлган бўлса, иккинчисида уларнинг таклиф ва ташаббусларини аниқ қарорлар, ҳуқуқий механизмлар ва молиявий қўллаб-қувватлаш воситаларига айлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Мулоқот натижалари асосида 2022 йил 30 августда давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2022 йилдаги “очиқ мулоқоти”да белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда унинг ижросини таъминлашга қаратилган “йул харитаси” қабул қилинди. Бу ҳужжатларда тадбиркорларнинг молиявий имкониятларини кенгайтириш, кредит ресурсларидан фойдаланишни осонлаштириш, бизнес муҳитини янада эркинлаштириш ҳамда ҳудудлардаги инфратузилма муаммоларини ҳал этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Қўллаб-тадбиркорлар учун асосий муаммолардан бири кредит олиш жараёнидаги гаров таъминоти ҳисобланади. Шу боис, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан бериладиган кафилик ҳажминини икки баробар ошириш вазифаси белгиланди. Бунинг аҳамиятини рақамлар орқали ҳам кўриш мумкин. Шу вақтга қадар жамғарма томонидан 46 мингдан ортиқ лойиҳага 15 триллион сўмдан зиёд молиявий ёрдам кўрсатилганди. Янги механизмлар яна минглаб тадбиркорларнинг лойиҳаларини амалга ошириш учун қўшимча имконият яратиб берди.

Муҳими, энди тадбиркорларнинг молиявий имкониятларини кенгайтириш фақат давлат маблағлари билан чекланиб қолмади. Амалдаги тизимга янги ёндашув киритилди. Яъни айланмадаги товарлар, экспорт шартномалари, аккредитивлар ва келгуси тушумлардан гаров таъминоти сифатида фойдаланиш механизмларини жорий этиш вазифаси қўйилди. Бу эса, айниқса, янги ташкил этилган, лекин етарли моддий активларга эга бўлмаган тадбиркорлик субъектлари учун муҳим имконият бўлди.

Шу билан бирга, иқтисодий ривожланишнинг муҳим шартларидан бири

ҳисобланган инфратузилма масаласи ҳам четда қолмади. Чунки ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун ер, электр энергияси, газ, сув ва йўл каби асосий инфратузилма тармоқлари мавжудлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу мақсадда ҳудудларда махсус штаблар ва ишчи тизимлар ташкил қилиниб, тадбиркорларнинг бу борадаги муаммоларини тезкор ҳал этиш механизми йўлга қўйилди. Бу, айниқса, ҳудудларда янги лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай шароит яратди.

Мулоқотнинг яна бир муҳим натижаси Президентимиз ҳузурида Тадбиркорлик-ни қўллаб-қувватлаш бўйича жамоатчилик кенгаши ташкил этилгани бўлди. Мазкур қарор очиқ мулоқот давомида кўтарилган масалалар ижросини доимий назорат қилиш, тадбиркорлар билан узлуксиз алоқани таъминлаш ва янги таклифларни мунтазам ўрганиб бориш имконини берди. Бошқача айтганда, давлат ва бизнес ўртасидаги мулоқот бир кунлик тадбир бўлиб қолмай, доимий ишлайдиган тизимга айлантирилди.

2022 йилги очиқ мулоқот кредит ресурсларига етиш имкониятлари кенгайиши, тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимояси кучайиши, инфратузилма муаммоларини босқичма-босқич ҳал этилиши ва давлат билан бизнес ўртасидаги мулоқотнинг институционал тус олиши, тадбиркорлик муҳитини янада яхшилашга хизмат қилди.



Тоифалаш ва манзилли ривожланиш

Янги ташкил этилган кичик корхона билан йирик ишлаб чиқариш корхонасининг эҳтиёжи ҳам, имконияти ҳам бир хил эмас. Худди шунингдек, иқтисодий салоҳияти юқори ҳудуд билан ривожланишдан ортда қолаётган туманининг имкониятлари ўзаро фарқ қилади. 2023 йилги очиқ мулоқот айнан шу ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда бизнес-ни ва ҳудудларни тоифалаш бўйича мутлақо янги тизимни жорий этди.

Унга кўра, мамлакатдаги тадбиркорлик субъектлари микро, кичик, ўрта ва йирик бизнес тоифаларига ажратилди. Бу қарашда оддий таснифдек кўриниши мумкин. Аммо



унинг иқтисодий аҳамияти анча кенг. Чунки ҳар бир тоифа учун алоҳида ёндашув, молиявий кўмак ва ривожланиш механизмларини ишлаб чиқиш имконияти юзага келди. Натижада давлат қўллаб-қувватлаш чоралари тадбиркорнинг реал эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда шакллантириладиган бўлди.

Мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан қолоқ 60 та тумани алоҳида беш тоифага ажратилди. Бу қарор ҳудудий тараққиёт масаласида янги ёндашувни бошлаб берди. Илгари айрим ҳолатларда барча ҳудудларга бир хил иқтисодий механизмлар қўлланилган бўлса, энди ҳар бир тумanning имконияти, муаммоси ва ривожланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда махсус солиқ, кредит ва молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланди. Бу эса иқтисодий ўсиш-ни фақат йирик шаҳарлар ёки санаят марказларида эмас, балки мамлакатнинг барча ҳудудларида таъминлашга хизмат қилди.

2023 йилги очиқ мулоқотнинг энг муҳим жиҳатларидан бири давлат маблағларини иқтисодиётга йўналтириш механизмларининг қайта кўриб чиқилганида ҳам намоён бўлди. Узоқ йиллар давомида давлат иштирокидаги йирик корхоналар иқтисодий ресурсларнинг асосий қисмига эга бўлиб келган бўлса, янги қарорларга мувофиқ, молиявий ресурсларнинг катта қисми хусусий секторга йўналтириладиган бўлди. Хусусан, банклар томонидан камида 30 триллион сўм маблағни хусусий бизнес лойиҳаларига йўналтириш вазифаси белгиланди.

Оқибатда иқтисодиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган хусусий секторнинг молиявий имкониятлари янада кенгайди. Янги корхоналар ташкил этиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш ва янги иш ўринлари яратиш учун қўшимча ресурслар пайдо бўлди. Натижада давлат иқтисодиётда бевосита иштирокчи бўлиб қолмай, хусусий таъбибусларни рағбатлантирувчи ва қўллаб-қувватловчи институт сифатида ҳаракат қилишга ўта бошлади.

Мулоқот давомида тадбиркорларни узоқ йиллардан буён қийнаб келаётган айрим солиқ масалалари ҳал этилди. Хусусан, аукцион орқали ер участкалари сотиб олинганда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш

амалиёти бекор қилинди. Бу қарор бизнес учун қўшимча харажатларни камайтиришга хизмат қилди. Шунингдек, қўшилган қиймат солиғини қайтариш муддатлари қисқартирилиши тадбиркорларнинг айланма маблағларини тезроқ тиклаш имконини берди. Натижада ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида молиявий барқарорликни таъминлаш учун қўшимча шароитлар яратилди.

Ҳудудий ривожланиш ва бизнес имкониятлар

Давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқотлари иқтисодий ислохотларнинг муҳим майдонига айланиб бормоқда. 2024 йил 20 август куни Нукус шаҳрида ўтказилган очиқ мулоқот ана шу жараённинг мантиқий давоми бўлди.

Бу галги мулоқотнинг ўзига хос жиҳати яратиш каби масалалар бир-бири билан ўз-вий боғлиқ ҳолда кўриб чиқилди. Натижада тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган 50 дан ортиқ янги имтиёз ва қулайликни назарда тутувчи ҳужжатлар қабул қилинди.

Айниқса, экспорт фаолияти билан шугулланаётган тадбиркорлар учун жорий этилган енгилликлар муҳим аҳамиятга касб этди. Жаҳон бозорида рақобат кучайиб бораётган бугунги шароитда экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш мамлакат иқтисодиётда стратегик аҳамиятга эга. Шу боис, валюта тушумларини ўз вақтида қайтармаганлик учун қўлланиладиган жаримлар буйича муддатли мораторий жорий қилиниши экспортёрларга қўшимча енгиллик яратди. Бу ташқи бозорларда фаолият юритаётган тадбиркорларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилди.

Мулоқотда кўтарилган яна бир муҳим масала ҳудудлардаги иқтисодий фаолликни рағбатлантириш билан боғлиқ бўлди. Мамлакат тараққиёти барча ҳудудларнинг бир-маромда ривожланиши орқали таъминланади.

Шу мақсадда санаят ва инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш учун қўшимча маблағ ажратиш, Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси орқали субсидия ва имтиёзли кредитлар йўналтириш чоралари белгиланди. Ушбу ҳудудларда янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, иш ўринлари яратиш ва маҳаллий иқтисодий салоҳиятни ошириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Умуман олганда, Нукус шаҳрида бўлиб ўтган очиқ мулоқот тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш сиёсатининг навбатдаги муҳим босқичини бошлаб берди. Унда қабул қилинган қарорлар ва илгари сурилган ташаббуслар бизнес юритиш шароитларини янада яхшилаш, тадбиркорларнинг молиявий имкониятларини кенгайтириш, экспорт фаолиятини рағбатлантириш ва ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Барқарор иқтисодий пойдевор

Давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқотлари сўнгги беш йил давомида мамлакат иқтисодий сиёсатининг муҳим институционал механизмига айланди. Бу мулоқотлар орқали тадбиркорларнинг муаммолари ўрганилди, янги қўллаб-қувватлаш тизимлари яратилди, молиявий ва ҳуқуқий механизмлар такомиллаштирилди. 2025 йил 20 август куни бўлиб ўтган бешинчи очиқ мулоқот эса мазкур жараённи янги босқичга олиб чиқди. Унда асосий эътибор хусусий секторнинг узоқ муддатли ва барқарор ривожланиши учун мустаҳкам иқтисодий пойдевор яратишга қаратилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг ўрни тобора ортиб бормоқда. Янги иш ўринларининг асосий қисми, экспорт ҳажмининг сезиларли улуши ва иқтисодий фаолликнинг муҳим манбалари айнан тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Шу боис, давлат томонидан қабул қилинаётган қарорлар нафақат мавжуд бизнесни сақлаб қолиш, балки унинг келгуси ривожланиши учун ҳам қулай муҳит яратиши лозим. 2025 йилги очиқ мулоқотда илгари сурилган ташаббуслар айнан шу мақсадга хизмат қилди.

Мулоқотнинг энг муҳим натижаларидан бири тадбиркорлик ва инфратузилмани шартлолларни ривожлантириш учун 2026-2027 йилларда жами 270 триллион сўм йўналтирилиши белгиланганида намоён бўлди. Бу рақамнинг ўзи иқтисодиётда хусусий секторни қўллаб-қувватлашга қандай қатъа аҳамият берилмаётганини кўрсатади. Муҳими, мазкур маблағлар янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, инфратузилмани ривожлантириш, ҳудудларда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва инвестициявий фаолликни рағбатлантиришга хизмат қилмайдиган ресурс сифатида қаралмоқда.

Экспорт фаолияти билан шугулланувчи тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳам 2025 йилги мулоқотнинг муҳим йўналишларидан бири бўлди. Кейинги йилларда жаҳон иқтисодиётда кузатилаётган ўзгаришлар, ташқи бозорлардаги бекорорлик ва логистика занжирларидаги мураккабликлар экспорт қилувчи корхоналар фаолиятига таъсир кўрсатмоқда. Шу шароитда ташқи бозорлардаги вазият сабабли юзага келган муддатли ўтган дебитор қарздорликлар учун жаримлар қўллашга мораторий жорий этилиши экспортёрларга қўшимча енгиллик ва ишонч берди. Айни қарор ташқи иқтисодий фаолият билан шугулланаётган тадбиркорларнинг рискларини камайтириш ва экспорт салоҳиятини сақлаб қолишга хизмат қилади.

Мулоқотда тадбиркорлик фаолиятидаги амалий масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, умумий овқатланиш соҳаси ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортда қўлланиб келаётган электрон қирим ҳужжатларини расмийлаштириш тартибининг барча тадбиркорлик субъектларига татбиқ этилиши ҳисоб-китоб жараёнларини янада соддалаштиришга хизмат қилади. Бу рақамлаштириш жараёнларини кенгайтириш, инсон омилини қисқартириш ва тадбиркорлик фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш йўлидаги навбатдаги муҳим қadam бўлди.

Бешинчи очиқ мулоқот аввалги йилларда бошланган ислохотларнинг мантиқий давоми эди. Агар дастлабки босқичларда тадбиркорларни эшитиш ва муаммоларини ҳал этиш асосий вазифа бўлган бўлса, бугунги кунда давлат ва бизнес муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Азат МАШАРИПОВ,
“Уста Бозорбой” корхонаси таъсисчиси,
“Фал тадбиркор” кўкрак нишонни соҳиб

“Уста Бозорбой” корхонасини ташкил этганимизга ҳам ўн тўрт йил бўлди. Хизмат кўрсатиш ва қурилиш соҳасида фаолият юритамиз. Ўтган йили 1,3 миллиард сўмлик инвестиция киритдик. Қулай ишбилармонлик муҳити тўғайли фаолиятимиз ўтган йиллар мобайнида муттасил кенгайиб бормоқда.

Дилдаги гаплар

Албатта, буларнинг барчасига, энг аввало, Президентимизнинг биз, тадбиркорларга билдирган юксак ишончи ва берган имтиёзи тўғайли эришяпмиз. Ўз навбатида, эътиборга яраша муносиблик зиммамизга катта масъулият ҳам юклайди.

Кўп йиллик иш тажрибам ва билимим билан ўндан ортиқ шоғирдлар тайёрладим. Улар бутун турли соҳаларда фаолият юритиб, юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Айни пайтда “Ozod intensiv bog” фермер хўжалиги, “Shobboz Cluster” ва “Beruniy agrobusiness tomoqqa xizmat” каби тармоқ корхоналаримизда 100 та доимий ва 200 та мавсумий иш ўрни мавжуд. Асосан, чорвачилик, богдорчилик, иссиқхоначилик, бугдой кластери, уй-жой қурилиши соҳаларида фаолият юритамиз. Чет элдан келтирилган 300 бош қорамолни парваришлаб, гўшт ва сут маҳсулотларини етиштирмоқдамиз.

Миллий иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, юртимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, янги Ўзбекистонда

тадбиркорлик соҳасида илгор тажриба ва анъаналар мактабини яратиш борасида алоҳида ибрат ва намуна кўрсатиб келаётганимиз, соҳага инновацион технологияларни жорий этиш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётганимиз инноватта

олиниб, “Фал тадбиркор” кўкрак нишонни билан тақдирланганимдан жуда хурсанд бўлдим. Кўксимизни беэаб турган “Фал тадбиркор” кўкрак нишонни зиммамизга оқлатилган вазифаларга сидқидилдан ёндашиш ва самарали меҳнат қилишда куч беради.

